



## ИЖРОИYA ҚО'МИТА ҚАРАРИ ПОСТАНОВЛЕНИЕ ИСПОЛКОМА

2024 yil 27 dekabr

15-6-sonli

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги IX-3-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Уставида тармоқ ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳар 5 йилда бир марта ўтказилиши, касаба уюшмаси органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилганлигини эътиборга олиб, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги IX-3-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги IX-3-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Касаба уюшмаси органлари ваколат муддати тугаши муносабати билан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларида **2025 йилнинг:**

**-февраль-апрель ойларида** касаба уюшмаси цех, бошланғич ташкилотлар, бирлашган қўмиталарнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари;

**-май-июнь ойида** касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмаларининг ҳисобот-сайлов конференциялари;

**-июль ойининг биринчи ўн кунлигида** касаба уюшмаси ҳудудий бўлинмалари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар)нинг конференциялари;

**-август ойида** Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Курултойи ўтказилсин.

3. Касаба уюшмасининг барча бўғинидаги ҳисобот-сайловларга бағишланган йиғилишлар, конференциялар, Курултой:

-ортиқча сарф-харажатлар ва дабдабаларсиз, ишчанлик руҳида танқидий ўтказилсин;

-касаба уюшмаси барча органларида ишлаб чиқаришдан озод этилган ҳолда (штат лавозимида) фаолият юритадиган раислари, уларнинг

ўринбосарларини лавозимга сайлаш муқаррар равишда муқобиллик асосида ва йиғилишда (конференцияда), курултойда яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Касаба уюшмаси барча органларида ишлаб-чиқаришдан озод этилмаган (штат лавозимини эгалламаган) ҳолда фаолият юритадиган раислари, уларнинг ўринбосарларини лавозимга сайлашни муқобиллик асосида ва йиғилишда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан амалга ошириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларининг конференциялари, курултойи делегатлари сони, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари сон таркиби юзасидан тавсиялар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳисобот-сайловлар бўйича умумий йиғилиш, конференцияларни чақириш муддатлари юзасидан тавсиялар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги Пленуми 2025 йил январь ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Республика кенгаши раиси Р.Бедиловга Пленумни ўтказиш аниқ санаси ва жойини белгилаш ваколати берилсин.

Пленум кун тартибига Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II Курултойини чақириш тўғрисидаги масалани киритиш тавсия этилсин.

7. Республика кенгаши ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бўлинмаси кенгаши, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган қўмитаси ва туман (шаҳар) бўлинма кенгашлари раисларига:

2025 йил 5 январгача бўлган муддатда “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом” ва ҳисобот-сайловлар якуни бўйича статистика ҳисоботлари шакллари куйи ташкилотларга электрон шаклда етказиш (3-илова);

2025 йил 10 январгача бўлган муддатда, мазкур қарордан келиб чиқиб, тармоқ, ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни юқори савияда ташкил этиш юзасидан аниқ манзилли ва муддатли чоратадбирларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш;

-касаба уюшмаси органларида ўтказиладиган ҳисобот-сайловлар касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, уставлар, низомлар), шунингдек, “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом” талаблари асосида ташкил этилишини назорат қилиш, мазкур масалада вилоят, туман, шаҳар, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш;

-ҳисобот-сайловлар жараёнида Устав, низомлар ва бошқа локал ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари, бирлашган қўмиталари,

худудий бўлинмалари сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раислари сайловини демократик тамойиллар, шаффофлик, ошкоралик, муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказишнинг мазмун-моҳияти ҳамда тартиби тўғрисида жойларда тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

барча даражадаги касаба уюшмаси ташкилотларининг сайланма органлари аъзолигига касаба уюшмаси фаоллари билан бир қаторда муассасада, туманда, вилоятда ва тармоқда муносиб обрў-эътиборга эга бўлган таниқли инсонлар тавсия этилишига, уларнинг таркибига ёшлар ва аёллар кенг жалб этилишига эришиш;

**-2025 йилнинг январь ойида** худудларда касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари, туман (шаҳар) бўлинмалари учун ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

-касаба уюшмаси барча ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларида юқори касаба уюшмаси органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга ошириш доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ёрқин натижалари, эришилган бемисл натижалар ҳақидаги аниқ ва ҳаққоний маълумотларни етказиш;

-ҳисобот маърузаларида касаба уюшмаси тизимида, жумладан тармоқда, худудда юз берган ўзгаришлар, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, шунингдек навбатдаги вазифаларни очик-ойдин ва батафсил ёритиш;

-қуйи ташкилотларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларида юқори касаба уюшмалари органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш;

-йиғилишлар иштирокчилари, конференциялар делегатлари учун фаолиятнинг барча йўналишида амалга оширилган ишлар акс эттирилган тарқатма материаллар чоп этилиши ва тарқатилишини таъминлаш;

-ҳисобот-сайлов йиғилишлари иштирокчилари, конференциялар делегатлари томонидан билдирилган фикрлар, таклифлардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олиш;

-ҳисобот-сайловлар яқунлари тўғрисидаги № 1-ҲС, № 2-ҲС, № 3-ҲС, № 4-ҲС шакллари (4-7 иловалар) асосида ҳисоботларни аниқ ва талаб этилган ҳолда тўлдирилишини таҳлил этиб бориш ва ўз вақтида тегишли органларга ҳисоботларни тақдим этилишини назорат қилиш ва таъминлаш;

-делегат анкетасини (8-илова) белгиланган шаклда тўлдирилиши ва тақдим этилишини назорат қилиш;

-касаба уюшмаси худудий, туман (шаҳар), бўлинмаларининг конференциялари, қурултойга делегатлар сони, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари сон таркиби юзасидан ишлаб чиқилган тавсияларга амал қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш.

**2025 йил 1 февралга қадар** касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинма кенгашлари раислари лавозимига камида 3 нафардан номзодлар рўйхатини

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда шакллантириш ва Республика кенгашига тақдим этиш;

-ҳар бир туман (шаҳар)да камида 2 та бошланғич ташкилотларда ва ҳудуд бўйича 1 та касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмасида кўрғазмали, намунавий ҳисобот-сайлов йиғилишларини ташкил этиш;

**-2025 йил 15 февралга қадар** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларини хабардор қилган ҳолда касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмаларининг ҳисобот-сайлов конференцияларини ўтказиш кунини белгилаш;

**-2025 йил 15 мартга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларининг конференцияларини ўтказиш кунини белгилаш;

-ҳисобот-сайловлар жараёни оммавий-ахборот воситаларида, веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил этиш;

-ҳисобот-сайловлар жараёнининг бориши тўғрисида 2025 йил 1 февралдан бошлаб, ҳар ҳафтанинг жума куни белгиланган жадвал асосида Республика кенгашига ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

-ҳисобот-сайловлар яқунлари тўғрисидаги статистика ҳисоботлари ўрнатилган тартибда ва муддатларда Республика кенгашининг Ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси (Худдиев)га тақдим этиш вазифалари топширилсин.

#### **8. Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси (Худдиев)га:**

**-2025 йил 5 январга қадар** Республика кенгашининг ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда ташкил этиш;

**-икки кун муддатда** “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом” ва ҳисобот-сайловлар яқунлари бўйича статистика ҳисоботлари шакллари элекрон кўринишда ҳудудларга етказиш;

**-2025 йил 15 январгача** Республика кенгаши масъул ходимлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳисобот даврида тизимда амалга оширилган ишлар тўғрисида умумий маълумотларни тайёрлаш ва ҳисобот маърузаларида фойдаланиш учун касаба уюшмаси ҳудудий, туман (шаҳар) бўлинмалари ва бошланғич ташкилотларга элекрон шаклда етказишни ташкил этиш;

-касаба уюшмаси туман(шаҳар) бўлинмаси кенгашлари, йирик бошланғич ташкилотлар, бирлашган кўмита раислигига номзод кадрларнинг ҳар бири билан “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларда кадрлар билан ишлаш тўғрисидаги Низом” талаблари асосида Республика кенгаши раҳбариятининг суҳбат жараёнларини ташкил этиш;

-ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида Республика кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимларининг иштирок этиши жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда Республика кенгаши раисига тақдим этиш, тасдиқланган жадвалларга мувофиқ уларнинг иштирокини таъминлаб бориш;

-ҳисобот-сайловлар жараёнини оммавий ахборот воситалари орқали шунингдек тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг расмий веб-сайтида кенг кўламда ёритилишини ташкил этиш;

-ҳисобот-сайловлар яқунлари тўғрисидаги статистика ҳисоботларини ўрнатилган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ташкилий ишлар бўлимига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

**9. Республика кенгаши аппаратининг масъул ходимлари (Асадов, Турикова, Мухамедалиева, Самарбеков, Яратов, Усманов):**

-ҳисобот-сайловларни юқори савияда ташкил этишга, бунда ўзларига бириктирилган (кураторлик) ҳудудлардаги касаба уюшмаси ҳудудий, бошланғич ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатсинлар;

-ҳисобот маърузаларида акс эттириш учун фаолиятлари йўналишида ҳисобот даврида тармоқ тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумотларни **2025 йил 15 январгача** Республика кенгашининг Ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси (Худдиев)га тақдим этсинлар.

**10. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг 2019 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2019 йил 25 декабрь “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги 16-5-сонли қарори ҳақидаги 17-4-сонли қарори;

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 9 июндаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 18-77“с”-сонли қарори ҳақида”ги 18-39с-сонли қарори;

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг 2020 йил 24 июндаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 23 июндаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 19-1-сонли қарори тўғрисида”ги 18-40с-сонли қарори;

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 15 октябрь “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар яқунлари тўғрисида”ги 19-2-сонли қарори ҳақида”ги 1-2-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**11. Мазкур қарор ижросининг назорати Республика кенгаши раиси Р.Бедилов зиммасига юклатилсин.**

Республика кенгаши раиси



Р.Бедилов